



ТО'ЛОҚ

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 28 (9.678) 2002 йил 11 март, душанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи

Илгари хабар қилинганидек, БУГУН

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи бошланди.

11-14 март кунлари бўладиган ташриф давомида олий даражадаги музокаралар ҳамда вазирилик ва идоралар, АҚШ Конгресси Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиш ре-

Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи ўзбек-америка муносабатлари янги тарихининг соломасидаги унутилмас, ёрқин воқеа бўлади.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг мамлакатимиз Президентини нафақат расмий музокараларга, балки баҳорнинг ушбу март ойи кунларида буюк Америка замида ўтказиш кўзда тутилган қатор учрашувларга ҳам таклиф этгани Қўшма Штатлар раҳбарининг Республикаимизга, унинг етакчиси Ислам Каримовга бўлган алоҳида ҳурмат-эътиборидан далолат беради.

Шубҳа йўқки, бу Президент тимсолида бутун Ўзбекистон халқига нисбатан ҳурмат-эътибор ифодасидир.

Едга олайки: Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва эгаменлигини биринчилар қаторида тан олган эди. Бугун эса икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига роллароса ўн йил тўлди.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик замирида минтақавий ҳамда глобал даражадаги тинчлик ва барқарорлиқни сақлашга, халқларимиз ва давлатларимиз манфаатлари йўлида ўзаро фойдалар ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантиришга бўлган муштарак интилишлар этганини ордан ўтган йиллар ана бир қарра тасдиқлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, янги трансмилий хавф-хатарларга, жумладан, халқаро терроризм, гиваанд моддалар тарқалиши, қурол-яроғ ва технологияларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Ўзбекистон АҚШ билан ўзаро тўғри тушуниш борасида юқори даражаларга эришди.

Ўзбекистон — АҚШ: ДАВРНИНГ ЯНГИ ВОҚЕЛИКЛАРИ — ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиб боришида ўтган йилнинг 11 сентябрида Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир бўлган, Американи ва бутун дунёни қалқитиб юборган ваҳиёна терактлардан кейин сезиларли бурилиш юзга келгани кундай равшан ҳолдир.

Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари мана шундай мушкул вақтда қўллаб-қувватлашга бўлган қатъий, принципиал қарори Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида янги бурилиш нуқтасини бошлаб берди.

Президент И. А. Каримовнинг Президент Ж. Буш билан сим орқали қатор мулоқотлари, бошқача қилиб айтганда, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий, ўзаро ишончга асосланган муносабатлар, шубҳасиз, аввалбошданқ ўзаро мўътадил турти тушуниш муҳитини яратди, Президентимиз узоқ йиллар давомида жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга даъват этиб келган масалалар бўйича ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларнинг қабул қилинишига кўмаклашди.

Ж. Бушнинг Ислам Каримовга йўллаган мактубида «Сиз Афғонистонни қайта тиклаш бўйича халқаро коалиция саъй-ҳаракатлари доирасида Ўзбекистоннинг етакчилик ҳолатини мустаҳкамлаётирисиз» деган сўзлари фақат терроризмга қарши кураш масаласидагина эмас, балки умуман АҚШда Ўзбекистон билан мулоқот ва алоқаларни кенгайтиришга бўлган қайфиятнинг ўсиб бораётганини тўлиғича тасдиқлади.

Бу ўз навбатида, энг аввало, турли даражадаги икки томонлама алоқаларнинг жонланганида ўз ифодасини топди. Қиска вақт ичида Ўзбекистонга АҚШ мудофаа вазири Д. Рамсфелд икки марта ба келди, давлат котиби К.Пауэлл, сенаторлар Т. Дашл, К. Левин, Ж. Уорнер, Ж. Либерман, Ж. Маккейн, Ч.Хегел, конгрессменлар Ж. Колби, Э. Точер ва АҚШнинг бошқа юқори мартабали кишиларининг ташрифлари бўлиб ўтди.

Албатта, сенатор Ж. Либерманнинг мамлакатларимизро ҳамкорликнинг хозирги даражасини лўнда таърифлаб берган ушбу фикриси, яъни «Биз Ўзбекистонсиз Афғонистондаги аксилтерор операцияларида муваффақиятларга эриша олмас эдик», деган сўзларисиз, юқорида келтирилган далилларни фақат санаб ўтишнинг ўзи билан чекланиш манзарани тўла очиб беролмайди.

Бугунги кунда Тошкент ва Вашингтон Афғонистоннинг тинчлик йўли тикланишига кўмаклашши мақсадида ўзаро самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон том маънода турли халқаро ташкилот ва мамлакатларнинг инсонпарварлик юқларини кенг миқёсда Афғонистонга етказиб беришнинг асосий марказларидан бири бўлиб қолди.

Эътироф этиш керакики, бу, энг аввало, жалаштирилган. Бир қатор муҳим давлатларро ва идораларо ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон томонидан АҚШ билан нафақат хавфсизликни таъминлаш ва халқаро терроризм, наркотрафик ҳамда бошқа хавфларга қарши кураш масалаларида, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар соҳаларида ҳам ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. Бу соҳаларнинг ҳар бири мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг муҳим тарихий қисмига айланиши лозим.

минтақамиз халқлари ва давлатларининг манфаатларига мос келади.

Шу билан бирга Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг жамиятда демократик ўзгаришларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг боришига фол кўмаклашди.

АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлик суръатларидан, дарҳақиқат, кўп нарса куттиш мумкин, улар салмоқли салоҳиятга эга ва яқин вақтлар ичида бу ҳамкорлик яна ҳам ривож топиши мумкин.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси қарийб 300 миллион долларни ташкил этади.

Яъни истиқбол яратилишига кўмаклашадиган икки томонлама намунали ҳамкорликка эса кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Америка компаниялари Ўзбекистон иқтисодийнинг турли жаҳаларида қатор устувор сармоявий лойиҳаларни ҳаётга таътиб қилишда фол иштирок этмоқда.

«Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсаш», «Ўзкейстратор», «Ўз-Эксайд-қўшма корхоналари сингари фаолиятда бўлган йирик сармоявий лойиҳалар, «БиЭ-Сай» компанияси билан Хўжабод ёрсти газ омбори қурилиши ҳамда «АББ Лумуа Глобал» билан полиэтилен ишлаб чиқаришга иқтисослашган Шўртан-газ-кимё комплекси, «Бейкер Хьюз» Америка компанияси билан

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Янада обод бўл, азим Тошкентим!

ТАРАДУД

Барча масъул

Миробод туманидаги «Қўйлик» таъмирида 350 хонадон ахилликда яшайди. Ана шу хонадонлар ахли хамиша маҳалла ободлиги, кўчалар озодлигига эътибор қаратиб келишди. Шу бим бўлса керак баҳор фаслининг кириб келиши, Наврўзи олам яқинлашгани уларга кўч-қувват бағишламоқда.

Бугун халис ниятли ҳар бир инсон гузал Наврўзи оламини ўз ҳисси билан кутиб олиш тарадуудида. Пойтахтимиздаги эл-юрт саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган «Ўзимёфарин» хиссадорлик жамияти аъзоларининг ҳам ниятлари халис. Корхонанинг 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчилари режа асосидаги ободлаштириш ва кўламзорлаштириш ишларига фол қатнашмоқда. Цехлар тартибга келтирилди, корхона ховлиси, ён-атрофи тозаланиб, мавжуд гул кўчалари, буталар парварши бўлаб юборилди.

— Яқинда 100 минг сўмлик мевали даррақ кўчаларини келтирдик, — дейди хиссадорлик жамияти раисининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Фахриддин Саъдуллаев. — Уларни ўзимиз яратган корхонада қарашли боғимизга экамиз. Шунингдек, «Ўзбекистон» деб номланган дам олиш масканига ҳам даррақ ҳамда атиргул кўчаларни ўтказганимиз. (Ўз мухбиримиз).

Дўстлигимиз рамзи



Тошкентда сакура гуллайди

далолатдир. Ният қиламанки, бизнинг халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ҳам узоқ ва мустаҳкам бўлади.

Пойтахтимизнинг Марказий боғида шу кун 850 тул сакура кўчати ўтказилди. Бундан ташқари, 27 хилдаги япон олчалари Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри олдига, Яқкасарой туманидаги япон фукаролари хотира майдонига, шунингдек Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Андижон вилоятлари марказларида ҳам теъ орада барқ уради.

— Сакура мевали даррақ, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Исо Цидзуки, — лекин японлар уни асосан маънавий озик таранунг этувчи даррақ сифатида эътибор қилишди. Хозирда сакуранинг 400 дан зиёд тури мавжуд. Ўзбекистонга энг кўп тарқалган «Мусиешин» туридан кўпроқ келтирилади. Дарвоқе, Тошкентда мен биринчи марта табиатнинг мўъжизалари — макнунтол ва манзарали тут даррақларини учратиб хайратга тушдим. Бундай табиат инъом этган гузалликнинг мен ўз юртимда ҳам ўсишини албатта хоҳлардим. Шу бим кунчиқар мамлакатда сержуш Ўзбекистонни хис эътириб турувчи макнунтол, тут, ўрик, шафтоли каби табиат мўъжизаларидан иборат бот барпо этиш тўғрисида таклиф билдирмоқчимиз.

Сакура кўчаларини ўтказишга бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қозим Тўлағанов, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов катнашди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати.
СУРАТДА: Марказий боғда сакура кўчалари ўтказилмоқда.
Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

Ибратли ташаббус

Халқимиз маданияти ва маънавиятини оламга танитишда муҳим ўрин тутаятган Наврўз умумхалқ байрамимиз меҳнат ва ўқув жамоаларида, маданият ва спорт муассасаларида ташкилий равишда ўтказиш мақсадида январь ойида Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раёсатида бир қатор тадбирлар режалаштирилган эди. Шунга қара Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар кўриги эълон қилинди ва унинг низоми ишлаб чиқилди.

Тасдиқланган тадбирлар режаси доирасида биринчилардан бўлиб Тошкент шаҳридаги бир қатор корхоналар яъни «Сувмаш», «Фалла-Алтег», «Иригидро-маш» ва «Подъёмник» акциядорлик жа-

миятлари ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институтини меҳнат жамоалари умумхалқ байрамимиз юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказиш борасида ойлик эълон қилиб ўз режаларини тақдим этдилар. Бу тадбирларда:

- касби, ёши ва миллатидан қатъи назар ишчилар, хизматчилар ва ишларни жалб қилиши, дўстлик, халқлар дўстлиги каби умуминсоний фазилатларни ўзида ақ эттирадиган халқ маросимлари ва аъёнчаларини ташкиллаштириш;
- халқ ижодиёти аъёнчалари мисолда ватанпарварлик, инсонни ардоқлаш, кишилар ўртасидаги эски гина-қудуратлар ва арзаларга барҳам бериш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ҳиссини тартиб қилиш;
- меҳнат фахрийларидан, меҳрибонлик уйларидан, боқувчисиз қолган хонадонлардан, кўп болали оилалардан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиш;
- қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этиш, улар иштирокида миллий урф-одатлар, аъёнчалар ва қадриятларни қайта тиклашга бағишланган давра сўхбатлари, гурунлар уюштириш;
- халқ сайиллари ва уйинлари, санъат усталари, ҳаваскор артистларнинг чиқаришлари, спорт уйинларини ўтказиш;
- меҳнат ва ўқув жамоалари худудлари, уй-жой даҳалари, ариқ ва зовур-

• Хабар қилинганидек, пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида 8 Март — Хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов юқиб эшиттирди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Фулмова тадбирда сўзга чиқди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маъзуқ муқофотга сазовор бўлган иқтидорли қизлар тантанали равишда тақдирланди, уларга совриндорлик ёрликлари ва нишонлари топширилди. Кеча санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта байрам дастурони билан аяунланди.

• Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги бўлинмаларининг 2001 йилдаги фаолияти масалалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил янвурларига бағишланган мажлисидаги натижалар келиб чиқадиган 2002 йилги вазифалар кўриб чиқилди.

• Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган кенгайтирилган ҳайбат мажлисида 2010 йилгача бўлган даврда иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари ва туб таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда малакали кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

• Ўтган йилнинг 25 январида Исламободда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида шартнома имзоланган эди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ушбу ҳужжатнинг ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисида протокол имзоланди.

• Қашқадарёдаги «Шўртангаз» конденсат қонида компрессор станцияси қуришга киришилди.

• Фарғона шаҳри кўчаларида «Самкўнавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Отайул» русумли автобуслар қатнови янада кўлайди. Шаҳар 9-автосаной акционерлик жамияти йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида 17 та шундай автобус сотиб олди. Янги автобуслар аҳоли гавжум бўлган марказий йўналишлар бўйлаб қатнамоқда.

• Тошкент Ирригация ва кишлок ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида янги компьютер ўқув марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Навоий вилоятининг Қонимех туманидаги «Маданият» қоракўлчилик ширкат ҳўжалигида 50 беморга хизмат кўрсатадиган кишлок врачлик пункти иш бошлади.

• Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Мўйилам маликалари» кўргазмаси ташкил этилди. Унга 70 дан зиёд мўйилам маликаларининг 250 дан ортиқ қалғ турғени сарчашмалари кўйилган.

• Навоий шаҳрида қизлар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда навоийлик волейболчи қизлар биринчи ўринни эгаллашди. Фарғоналик ва самарқандлик спортчиларга иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди. Фоллибар шу йилнинг 1-6 апрель кунлари Самарқандда ўтадиган чемпионатнинг иккинчи босқичига йўлланма олдилар.

Жаҳонда

• Бугун Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Игор Ивановнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи бошланди. У АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, Мудофаа вазири Рональд Рамсфелд, Президентнинг Хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Кандолиза Райс билан музокаралар олиб боради.

• Польша Республикаси Президенти Александр Квасневский давлат ташрифи билан Германия Федератив Республикасига келди. ГФР Президенти таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу ташриф сўнги тўққиз йил мобайнидаги ана шундай ташрифнинг дастлабкисидир.

• ГФР канцлери Ферхард Шредер ва Италия Бош вазири Сильвио Берлускони олий даражадаги Европа учрашуви арасида бир-бирлари билан учрашдилар. Учрашувида икки томонга оид бир қатор масалалар муҳокама этилди.

• Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари Алексей Гордеев кеча дан бошлаб товуқ гўшти АҚШдан импорт қилиниши тўхтаганида, деб маълум қилди. Бунга сифат жиҳатидан Россия маҳсулоти АҚШниқидан яхшироқ эканлиги, импорт қилинган товуқнинг 9 та йирик туркумида салмонеллез топилганиги сабаб бўлди.

• Америка ҳарбийларининг Афғонистондаги Гарdez шаҳри атрофида «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракати жангариларига қарши олиб бораётган амалиётлари натижасида 500 дан ортиқ жангари йўқ қилинган. Хабарларга қараганда, у ерда тахминан ана шунча жангари бор.

• Афғонистоннинг шарқидagi Гарdez тоғли худудида АҚШ ҳарбий кучлари амалиётларида канадалик ҳарбий хизматчилар ҳам қатнашмоқда. Афғонистондаги аксилтерор амалиётларида ҳаммаси бўлиб 750 нафар канадалик иштирок этмоқда.

• Хиндистонда номаълум қуролланган жиноятчи намоийш пайтида танкили ҳинд сиёсатчисини отиб ўлдирган. Полициячиларнинг айтишича, воқеа Уттар-Прадеш провинциясида ўтказилган сайловларда ғалаба қозongan Самавади партияси намоийш пайтида содир бўлган. Халок бўлган Манзур Аҳмад Бахери округнинг депутати эди. Жиноятчи асирга олинган.

• Нью-Йоркда Жорж Вашингтон томонидан ёзилган, илгари Виржиниядаги музейдан ўғирлаб кетилган мактуб топилди. Ушбу дурдонанинг нархи 500 минг доллар деб баҳоланмоқда. Мактуб 1788 йили, Жорж Вашингтон АҚШ Президенти этиб сайланишдан тўққиз ой олдин ёзилган. Мактубда Виржиния штати томонидан АҚШ Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида сўз боради.

• Женевада ҳар йили бир марта бўладиган автомобиллар кўргазмаси очилди. Бу кўргазмага дунёнинг йирик компаниялари ўзларининг энг охириги автомобилли моделларини кўйганлар. Кўргазмага қўйилган масофадан туриб бошқариладиган гаёриодий «Кабриолет» машинаси кўпроқ шов-шувга сабаб бўлди.

ларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкчаларини янгилаш ишлари бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб бориш;

- ҳўжалик раҳбарлари билан келишилган ҳолда меҳнат қилаётган кўп болали, кам таъминланган оилаларга ҳамда узоқ йиллар меҳнат қилиб келсанлик таътилига чиққан ёлғиз нафақадўрларга, уруш фахрийларига байрам муносабати билан корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб моддий ёрдам бериш каби режалар кўзда тутилган.
- Юқорида номили зикр этилган корхона ва ташкилотларнинг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ташаббуслари Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раёсатида қўллаб-қувватланди ва тарком касабаси уюшмалари шаҳар қўмиталарига ҳамда бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига тавсия қилинди.

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онда маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Ислом КАРИМОВ

Агар инсоният тарихи қайси босқичларида қандай муваффақиятларга эришган бўлса бу ҳамма маънавият оламидаги тараққиёт даражасига боғлиқ бўлган десак, янглишмайми. Дунёнинг қайси худуди таназзулга юз тутган бўлса, худди ўша ерда маънавий ҳаробилик олдинроқ рўй бергани ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини кўраемиз. Бу изоҳлар нега зарур бўлиб қолди, деган ўринли савол туғилиши табиий. Таъбир жоиз бўлса, инсоният бор экан, маънавий-ахлоқий муаммолар кун тартибига чикиб тураверса керак. Чунки, жамият тараққиёти бугунги даражага етгунча неча асрларни босиб ўтди... Зеро ҳамма даврларда ҳам эл-юртга унинг олий мансабдори етакчилик қилади. Демокримизки, элга етак-

рига етади, хурматлайди... Ишнинг натижаларига қараб баҳо беради, ҳеч қачон унутмайди, асрлар давомида уни қалб кўрида -тўрида эъозлайди... Халқ ҳамма нарсасга чидади — жумладан, иқтисодий қийинчиликлар, етишмовчиликлар ва ҳокказо, аммо юртбошимиз таъбири билан айтганда адолатсизликка чидалмайди. Халқ ҳамма нарсани билади, сезади, аммо ҳозир айтолмаски, кези келганда албатта айтади, ё олқишлайди, ё қарғайди. Халқнинг, тарихнинг ҳукмидан ҳали ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Шунинг учун ҳам раҳбар етакчи — ҳар бир қадамда, ҳар бир ишда халқ, мамлакат, эл-юрт манфаатини кўзлаб иш юритса, ҳаётиликда ҳам, оламдан ўтгандан кейин ҳам хурмат-иззатда бўлади. Бу ҳаётнинг энг муҳим олий қонуниятидир... Демокримизки, юртга етакчилик қилишда гоёт мустақам иймон, эътиқод, иродага риоя этса катта хурмат қозонади, кўкларга кўтарилсади, олқишларга абадий сазовор бўлади. Юртбошимиз раҳбарнинг ёниб яшаш ҳақида фикр юритганларида — нима ни кўзда тутганлар деб ўйлаймиз? Ўз эл-юрти билан нафас олиб ишлаш -яшашни, бутун фаолиятида халқ билан бир тан — бир жон бўлиб кетишни эмасми?! Зеро ўз

Кўнгилдаги гаплар

Тараққиётнинг негизи — маънавиятдир

чилик қилишга даъват этилган Шахс зиммасида аввало ўз миллати, халқи тақдирини ўйлашдек биринчи даражада аҳамиятга молик масъулият бўлса, шу эл-шу юртнинг дунё тақдирини билан нақадар боғлиқ эканлигини ҳам ўйлаб иш кўришдек гоёт буюк бир масъулият бор. Кейинги ойларида Республикада ўтказилган икки муҳим анжуман — ўтган йилнинг ҳўжалик яқунлари ва Сурхондарё вилоятидаги йилнинг, унда Президентимиз сўзлаган нутқлар — ютуқлар, камчиликлари ва нуқсонлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар озгина виждони бор бирорта фуқарони бефарқ қолдиргани йўқ. Негаки, бу ҳар икки анжуманда аҳолининг барча қатламлари тақдирини, манфаатларини оид масалалар таҳлил этилди... Агар таъбир жоиз бўлса, ҳаммасида халқ билан раҳбар ўртасида содир бўладиган муносабатлар муаммоси биринчи даражада масала тарзида кўйилди. Зеро, бутун инсоният тарихининг ҳамма босқичида ҳам эл-юрт тараққиёти ҳам, харобага юз тутиши ҳам, тинчлиги ҳам, беқарорлиги ҳам етакчи раҳбарга боғлиқ бўлиб келган эмасми? Бу билан ҳаётда халқнинг ўрни, мавқеи пастга урилади дейишдан тамом йироқмиш. Негаки, дунёда хоҳ ижобий, ҳоҳ салбий қандай воқеа-ҳодиса рўй берса — аввало унинг туб негизи етакчи раҳбарга бориб тақалаверади. Хали бундан бошқача ҳаётни кўрганимиш йўқ. Етакчи гоғни ташлайди, вазифани кўяди, халқ уни амалга оширади. Хар икиси бири-бирига сув билан ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам бир-бирини кўллаб-қувватлашга мажбур. Ахир буюк бобомиз — соҳибқирон Амир Темури биргина ақли вазирининг давлатни бошқарувидаги ўрнини бутун бошли лашкардан юқори ҳисоблаганда нимани ўйлаган, қайси маънода бу фикрни ўртага ташлаган экан? Буюк Шахсар — ҳаётда Шахнинг мавқеи нақадар юксаклигини теран англаганлар ва бутун фаолиятида шунга амал қилишга интилганлар... Демокримизки, агар раҳбар Шахс чинакам етакчилик даражасига кўтарилса олса — халқ унга эргашади, ижобий фаолиятлари қад-

фаолиятида қилмаган ишини «қилдим» деб ёзиш, қилган ишини эса, «қилмадим» деб кўрсатган раҳбарга ким эргашади-ю, уни ким қачон хурматлайди? Хар ким! Агар халққа етакчи бўламан деб даъво қилган кимса ёлгончилик қилса, обрў орттира олади? Йўқ, албатта... Мустақиллик йилларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларда талай янгица дунёқарашга хос — кўллаб кадрлар, раҳбарлар етишиб чиққан бўлса-да, минг афсуски хали ҳам эскидан сарқит бўлиб келаётган нуқсонлардан қутула олмаётганларнинг борлиги тараққиётимизга, барча соҳаларда жадал амалга оширилаётган исохотларимизга халал бераётгани сир эмас. Президентимиз хар икки мазкур анжуманда гоёт кўйиб-ёниб ўша нуқсонлар устида чуқур мулоҳаза юритдиларки, биз барча соҳадаги ишларимизда улардан йўл-йўриқ олишга бурчимиз...

Қишлоқ ҳўжалигида ерларни яшириш, экин турларини ўзбошимчилик билан ўзгартириш, тадбиркорларга, фермерларга сунъий тўсиқлар пайдо қилаётганларга қарши суд, прокуратура органлари аралашуви билан масалалар ҳал этилаётганлиги, фермерлар не ҳасратда махсулот етиштириб, топшириб ҳақларини ололмади қийнаётганлари сингари қатор-қатор нуқсонлар Юртбошимиз чиқишларида ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам неча мартаба таъкидланаётгани — бу қандай гап? Ахир ўз юртимиз, халқимиз тинчлиги, фаровонлиги, истиқболини ўйлаб иш қилаётганлар билан уларга нуқул қуруқ гапларни айтиб халақит бераётганлар қачонгача кун кураверади? Ахир бу айтганларимизнинг туб негизиде иймон-эътиқод, демакки, маънавий сингари энг олий инсоний фазилатлар мавжуд эмасми? Инсон бошқа ҳамма жонотдан худди ана шу энг, идрок, маънавий олами билан юксакларга кўтарилсади, худди шу йўсинда олами обод қилади... Зеро, аллома айтгандек:

**Бори элга яхшилик қилгилки бундан яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди**
«Фалондин яхшилик»
Аҳмад АЛИЕВ

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

«Коратос-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати Шайхонтоҳур туман ҳокимининг қарори асосида ташкил этилиб, қарийб бир йилдан буён ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттириб келмоқда.

— Ширкатимизда 46 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларда 990 та хонадон аҳли истиқомат қилади. — дейди ширкат бошқаруви раиси Маҳмуд Рўзметов. — Энг аҳамиятлиси шундаки барча хонадонларга иссиқ сув, совуқ сув ва газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. Шу боис ҳам ширкат хонадон эгаларидан фақат фойдаланиш ҳаражатлари ва қаттиқ чиқиндилар буйича тўловларни қабул қилади. Туман коммунал фойда-

бўлганлигига қарамай, баъзи бир турар жой биноларига ўрнатилган қувурларнинг сифатсизлиги боис ҳам, — дейди Маҳмуд Рўзметов, — хонадонлардан қаватдан қаватга ўтувчи қувурларни алмаштириш талаби тушмоқда. Бунинг учун эса албатта маблағ зарур. Хонадон аҳлининг тўловларини ўз вақтида бажариши эса бунга муҳим ҳисса бўлади, албатта. Ходимларимизнинг тушунтиришларига қарамай, 14-уй, 1-хонадон соҳибни Т.Қошилбеков 58200 сўм, 3-хонадондан Д.Ҳамидова 62397 сўм, 54-«б» уй, 14-хонадон эгаси Х.Маликова 60852 сўм, 24-уй, 30-хонадонда яшовчи Х.Отаев 42200 сўм қарзларини тўлашмапти.

ШИРКАТЛАР Аҳоли билан ҳамжиҳатликда

Ширкат ходимлари аҳолига яна бир қулайлик яратишган, яъни пуллик хизмат йўқ. Хонадон ичидан тушган талабномалар ҳам бепул амалга оширилмоқда. Шунингдек, коммунал соҳада амалга оширилаётган исохотларни аҳолига тушунтириш, уни амалга татбиқ этиш учун мунтазам равишда яшовчилар билан учрашувлар ўтказиб боришмоқда. Ширкатнинг олдинга қўйган мақсадини амалга оширишда ҳар бир ходим масъул, ўз вазифасини тўғри англайди.

Қўкларнинг кириб келиши билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бошлаб юборилди. Бу ишларнинг барчаси ҳамжиҳатликда амалга оширилиб, уй атрофларининг тоза ва озода, кўкаламзор бўлишига қаратилган. Энг муҳими эса бугунги кунда ушбу ширкатга аъзо бўлган хонадон эгалари турар жойини қандай асраш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ўзлари учун фойдали эканлигини, бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқ виждоний бурч эканлигини дилдан ҳис этишмоқда. Ширкат ходимлари эса одамлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

МУНОСАБАТ Қулай ва самарали

**• Эшонқул РЎЗИЕВ,
Миробод туманидаги
«Олмасор-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси:**

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтган маҳлисиде Президентимиз мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш ҳақида алоҳида тўхтади ва беаҳо бойликларимиз — сув, газ, электр энергиясини авайлаб-асраш, тежаб бугуннинг энг муҳим талаби эканлигини айтиб ўтди.

Албатта, ушбу бойликларимиздан оқилона фойдаланиш учун сув ва газ ўлчаш асбобларини ўрнатиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини барчамиз тажрибада кўриб-билиб турибмиз. Ширкатимиз тасарруфиде 20 та кўп қаватли уйлар бўлиб, ўтган йилда уларнинг 3 тасига «ТАСИС» лойиҳаси асосида тажриба тариқасида газ, иссиқ ва совуқ сув ўлчашчилари ўрнатилган эди. Тажриба ўзининг оқсак самарасини берди. Ушбу уйларда яшовчи хонадонларда сув сарфи бир неча баробарга қаммайиб, тежамкорлик 70 фоизга етди, иссиқ сув ва газ бўйича етди, тежамкорлик 50-60 фоизни ташкил этганлиги яшовчиларни беҳад мамнун этди.

Ушбу тажриба натижасини ўз кўзлари билан кўрган бошқа уйлардаги хонадон соҳиблари ҳам ана шундай ўлчашчилар ўрнатиш истагини билдиришмоқда. Албатта, келгусида қолган турар-жой биноларига ҳам ана шундай беаҳо бойликларимизни тежаб-тергаб асқотадиган ускуналарни ўрнатишни режаллаб турибмиз.

Ўзини оқламоқда

**• Турсуной САИДУМАРОВА,
Ҳўжаев кўчасидаги
сертификат уйларда
яшовчи**

Хонадон соҳибаси: — Биз яшайдиган уйларимиз «Узўй-жой» маънавияти» бюромаси асосида қурилган турар-жой бинолари бўлиб, хонадонларга газ, иссиқ ҳамда совуқ сув ўлчашчилари ўрнатилган. Бунинг афзалликлари шунда кўринмоқдаки, биз аввал қурилган, хонадонларига ана шундай ускуналар ўрнатилмаган уйларда яшовчиларга нисбатан анчагина кам ҳақ тўлаймиз. Чунки ҳисоблагичлар қуришдан рақамлар орқали аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишмоқда. Бу, албатта, ўз ҳамёнинизга фойдали, чунки сарф қилганингизга яраша ҳақ тўлаймиз. Бунинг яна бир афзал томони шундаки, агар ўлчашчилар ўрнатган бўлсангиз, ҳар қачон жўррагингизни носоз ҳолда қолдирмай-сиз, газни беқорга ёқиб қўймайсиз, уларни тежаб-тергабга муносиб ҳисса қўласиз.

Шунинг учун ҳам хонадоннингизга ана шундай ўлчашчиларни ўрнатишдан асло қўчманган. Бу, албатта, ўз ҳамёнингизга ҳам фойдали, шу билан бирга сув ва газ исрофгарчилигига йўл қўймаслиқда энг тўғри йўлдир. Ахир турмушингизни бирон кун ана шу неъматларни тасаввур қилиб кўринг-чи... Келинлар, азиз ҳамшахарлар, ҳар биримиз беаҳо неъматларни авайлаб-асрашга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

ТАДБИРКОРЛИК

Тежаб-тергашда фойдали

Табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг зарурлигини давр тақозо қилмоқда. Албатта, қундалик турмушимизни газ, сув, электр энергияси сингари табиий бойликларимизсиз тасаввур эта олмай-сиз. Демак, улардан оқилона фойдаланиш, авайлаб-асраш учун ҳар биримиз унинг ҳисобини билмоғимиз даркор. Бунинг бирдан бир йўли хонадонимизга ана шундай ўлчашчиларни ўрнатишдир.

Шуниси қувонарлики, сув ҳамда газ ўлчаш асбоблари ширкатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда тайёрланмоқда. Хозирда пойтахтимизда қад ростлаётган ҳар бир янги уйнинг хонадонларига ана шундай ўлчашчилар ўрнатилгач, фойдаланишга топширилмоқда. Шу билан бирга хусусий уйлар ва кўп қаватли турар-жой биноларига ҳам ўлчашчилар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Шаҳримизда 1999 йилда ўз фаолиятини бошлаган «СМГ-Оникс» қўшма корхонасида тайёрланаётган газ ўлчашчиларининг сифати билан ажралиб туради. Таъсисчилари «Оникс» ҳиссадорлик жамияти ва Италиянинг «Самгаз» корхонаси бўлган жамоа цехлари ҳорижий да-

стгоҳлар билан жиҳозланганлиги сифати билан махсулот тайёрлашда қўл келмоқда.

Хозирда пойтахтимиздаги кўплаб хонадонларда ушбу қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ ўлчашчиларининг ишлаб турганининг ва ҳисоб-китоб ишлари аниқ амалга оширилаётганининг, сарфига яраша ҳақ тўланаётганининг гувоҳи бўлаемиз. Корхона бир йилда 100 минг дона ана шундай ўлчашчиларни ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин у ҳали тўла қувват билан ишлашга ўтгани йўқ. Жорий йилдан бошлаб тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳамини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Яна шуниси қувонарлики, ушбу корхона мутахассислари ўлчашчиларни ишлаб чиқариш учун ке-

ЛУҚМА

Бепарволикми ёки...

Шаҳримизнинг Фарғона йўли кўчаси бўйлаб «Кўйлик» бозорига ўтганмисиз? Агар йўлингиз тушиб шу кўчадан юрсангиз, «Фарғона» бозори ёнидаги кўприк остига бир нигоҳ ташлаб кўринг-чи?! Ие, нимага афтингиз буришиб, кайфиятингиз бузилиб кетди. Демак, сиз ҳам ўша кўприк остидеги ноҳуш ҳолатнинг гувоҳи бўлган экансиз-да.

Мен эса ана шу ноҳуш ҳолатнинг ҳар кун гувоҳи бўламан. Лекин бунга масъул бўлган одамларнинг кўриб-кўрмамаслиққа олиши кўнглимни ранжитди. Устидеги йўлдан ҳам транспорт воситалари катновчи ушбу кўприкнинг таги бир неча йилдирки қичқидио ахлат уюмлари билан тўла. Баъзан эрта тонгда, баъзида кечқурун бу ерга турли чикиндилару хонадонлардан чиққан ахлатлар ташлаб кетилади. Негадир бунга мутасаддилар бепарво қарашади. Бир неча йилдан буён кўприк остидеги йўлдан ўтаман, лекин уни ҳеч қачон тоза аҳволда кўрмаганман. Нафақат мутасадди ўртоқлар, ҳаттоки бу ерда яшовчи маҳалла ахли, хонадон эгалари ҳам негадир бу ҳолга бепарво қарашади.

Тўғри, кўприк остидеги транспорт уналчи серкаторов эмас, унча-мунча одам эътибор бермаслиги ҳам мумкин. Лекин кўприкнинг рўпарасидаги хонадонда яшовчилар қайққа қарашади ёки улар ахлат хидига «маст» бўлиб ўтиришга ўрганиб қолганми? Негаки бу ишни уларнинг ўзи қилади, йўл икки — Миробод ва Ҳамза туманларининг ўртасида жойлашган, бизнингча. Лекин унинг остига ким жавоб беради, шунини билмай хайронми? Қачонгача бундай ҳол давом этиши эса номаълум.

Улкамизда фасли баҳор кезмоқда. Бу фаслда нафақат ўт-ўнлару дов-дарактлар йўғонади. Балки бу даврда одамлар қалби ҳам уйғонган, лекин унинг остига ким жавоб беради, шунини билмай хайронми? Қачонгача бундай ҳол давом этиши эса номаълум.

Улкамизда фасли баҳор кезмоқда. Бу фаслда нафақат ўт-ўнлару дов-дарактлар йўғонади. Балки бу даврда одамлар қалби ҳам уйғонган, лекин унинг остига ким жавоб беради, шунини билмай хайронми? Қачонгача бундай ҳол давом этиши эса номаълум.

Улкамизда фасли баҳор кезмоқда. Бу фаслда нафақат ўт-ўнлару дов-дарактлар йўғонади. Балки бу даврда одамлар қалби ҳам уйғонган, лекин унинг остига ким жавоб беради, шунини билмай хайронми? Қачонгача бундай ҳол давом этиши эса номаълум.



СУРАТЛАРДА: шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Турон — нон» хусусий корхона жамоаси махсулот турларини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашда ҳам бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда корхонада 20 турдаги нон ва қандолат махсулотлари тайёрланиб, халқимизга етказиб берилмоқда.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

Шаҳримизда олиб борилаётган кенг тармоқли давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари шаклланиб келаётган мулк эгаларига мустақам моддий пойдевор яратиб бермоқда. Пойтахт бюджетига сезиларли даромад келтирлаётган реал мулк эгалари иқтисодиётнинг хусусий секторининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Газетамизнинг ўтган сонларида Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг кўллаб тузилмавий бўлиmlари томонидан олиб борилаётган хусусийлаштириш тадбирлари ҳақида маълумот бериб бордик. Бугунги суҳбатдошимиз уй-жойларни хусусийлаштириш ва давлат мулкни ижарага бериш шаҳар маркази бошлиғи Мурод РАҲМАТУЛЛАЕВ айни кунларда амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 1995 йил 15 августдаги 178-сонли қарори билан ташкил топган марказимиз бугунги кунда шаҳардаги уй-жойларни хусусийлаштириш, давлат мулкни ижарага бериш каби бир қатор хизматларни амалга оширмоқда. Олдимизга қўйган мақсадларга эришишда қуйидаги вазифаларга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Давлат дастурининг бажарилишини таъминлашда Давлат мулкни қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг тузилмавий бўлиmlари ва туман ҳокимиятлари хусусийлаштириш бўлиmlарининг ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириш, туманларда бошқарманинг манфаатини ҳимоя қилиш;

— мулкка эгалик қилиш ҳўқуқини тасдиқловчи давлат далолатномаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

— маслаҳат хизматларини ташкил этиш: уй-жойларни хусусийлаштириш, давлат далолатномаларига ўзгартириш қиритиш ва уни тиклаш, корхона ва ташкилот вакилларига уй-жойларни хусусийлаштириш буйича ҳужжатларни тайёрлаш;

— нотариал идораларга турар-жой хоналарини хусусийлаштиришга рози-

лик берган шахслар тўғрисида маълумотларни тайёрлаш ва бошқалар.

Иш фаолиятимизнинг баъзи бир жабҳалари тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Ишимиздаги муваффақиятларимиз асосан ходимларимиз ва жойлардаги вакилларимизни берилган топшириқларни тез ва сифатли бажаришига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда улар олдида турган вазифаларни удралай олишмоқда.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтмоқчиманки, ҳўкуматимиз хизматимиздан фойдаланаётганларга барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Масалан, Президентимиз Фармонлари, ҳўкуматимиз қарорлари асосида ўқитувчилар, шифокорлар, уруш қатнашчилари турар-жойларни имтиёзли, яъни пул тўламадан оладилар.

Йўлларни қайта таъмирлаш, шаҳардаги кичик айланма йўл, янги иншоотлар қурилиши муносабати билан кўллаб эски турар-жойлар бузилиб, янгилари қурилиб, яшовчиларга бепул берилмоқда. Марказ раҳбарияти томонидан уруш қатнашчиларига, уларга тенглаштирилганлар шахсларга, Чернобил халокатини бартараф этиш қатнашчиларига, 1-тоифа ногиронларига имтиёзли бепул хизматлар кўрсатилмоқда. Бу йилнинг

мамлакатимизда Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан марказимиз томонидан хизматларидан фойдаланаётган қарияларга имтиёзлар бериш режаллаштирилмоқда.

Марказимизда олди-сотди шартномаларини тузишда қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймамаслик мақсадида аҳолининг уй-жойини хусусийлаштириш буйича берган аризасини қисқа муддатда кўриб чиқиш йўлга қўйилган, доимий маслаҳат-тушунтирув ишлари олиб боришмоқда. Яқинда шаҳар ҳокимлиги, бир қатор ташкилот ва идоралар қатори бизнинг марказимиз таъсисчилигида Уй-жой шаҳар маркази ўз фаолиятини бошлайди. Марказ иккиламчи уй-жой бозорини ташкилий томондан ўз қўлига олиб, олди-сотди шартномалари қатнашчиларига сервис хизматларини ташкиллайтиради.

Республика Давлат мулк қўмитаси буйруғига асосланган ҳолда ҳўжалик ҳисобидеги давлат мулкни ижарага бериш хизматини ҳам йўлга қўймоқдамиз. Асосий вазифа — давлат мулкни ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш, ҳисобини олиб бериш, маълумотлар базасини яратиш, фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни хатловдан ўтказиб, юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга бериш, маъмурий бинолар ҳисобини, ижара ҳақи тушуimini назорат қилишдир.

Асосий мақсадимиз эса тўлиқсиз фойдаланилмаётган, қаровсиз қолган давлат мулкни, шу жумладан маъмурий бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига, янги иш жойларининг яратилишига хизмат қилсин. Режаллаштирилган барча эзгу ниятларимиз пойтахтликлар раванга йўлидаги сазй-ҳаракатлардир.

(Ўз муҳбиримиз).



Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги «Музафар-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати қарашли турар жой бинолари. Тохир Нигматуллин олган сурат.

Наврӯзи олам яқин

Юракларимизга ўт, қалбларимизга баҳор кунининг тонги масими янглиғ покчира ёйлар билан кириб келмоқда Наврӯз. Баҳор фаслининг ўзи бир гўзал. Узукка кўз мисол тушган Наврӯз фасл кўрқига кўрқушди.

Наврӯз янгилик, поклик, айтиш жоиз бўлса инсон кадр-қиммати юксалдиган палла. Шунинг билан бирга Наврӯз байрами қадимийлиги билан ҳам азиядир.

Носир Рабзуий айтиди:
**Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврӯзи,
 Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи.
 Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
 Тонг бадишлаб нақши бирла беназур бу ер юзи.**

Тарихи шундай қадим Наврӯзи олам шодиёналари авлодларимиз томонидан сақланиб келинмоқда, маънавий бойликларимиз, бу ҳолат кўнгилда эзгу мақсадлар уйғотади.

Наврӯз онда инсон қадрини муносиб баҳоланади. Яхшиликка, эзгу ишлар қилмоққа чоғланади дил. Мехрли кўнлардан, сеҳрли сўзлардан ташна диллар чашмадан сув сипқоргандек қонади.

Барча оҳорли либосларда бўлиб, катта халқ сайли бошланади. Дошқозонларда сумалак, ош пиширилиб ёшу қарига тортилади. Халқимизнинг удумларига амал қилиб, меҳр ила кўчат экиб, боғ-роғлар яратилади, ариқ-зовурлар тозаланади.

Наврӯзи аҷам ана шундай гўзал ва муборак айёмдир. Алишер Навоий бобомиз беҳиз ёзмаганларким:
**Хар тунунг қадр ўлубон,
 Хар кунунг ўлсин Наврӯз!**

Муқаддас ЮСУПОВА



Ўлкамизда Наврӯз шодиёналари шундай ўтади.



ЎШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Бухоролик тенгдошлари билан учрашишди

Газетамиз саҳифаларида бир неча бор «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ёшлар хоҳиш-истакларига асосан қатор кизикарли лойиҳаларни амалга оширган ҳамда бахор берган эдик. Қуни кеча «Камолот» ижтимоий ҳаракати томонидан яна бир тадбир уюштирилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгашининг тақдифига биноан пойтахтимизга Бухоро вилоятининг ўн бешта туманидан ҳаракат фаоллари келишиди. Тошкент шаҳар ҳокимлигига ташриф пайтида бухоролик камолотчилардан таассуротлари билан ўртоқлашишларини илтимос қилдик.

Садриддин ШАРОПОВ, Бухоро вилояти «Камолот» ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси:

«Авваламбор «Камолот»нинг Тошкент шаҳар бўлими мутасаддиларига тақдиф қилгани ва меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Дарҳақиқат, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳар ҳаракатлари этакчиларининг яқиндан танишиш мақсадида учрашиши вазифаларимиз ва истиқболдаги режаларимиз янада уйғунлашиб мақсадларимизга эришишга замин бўлиши шубҳасиз».

Истиқбол туйғули Бухоро вилояти ва унинг туманлари бугунги кунда замонавий тарзда ривожланиб бормоқда. Бу ерларда ҳам энди олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолият юритмоқда. Демак, бухоролик ёшлар кўпроқ ўз тугилиб ўсган заминларида ўқиши ва ишлаши ҳамда ўз хуудларининг ривожланишига ҳиссаларини қўшиши борасида барча имкониятлар очилмоқда. Биринчи гада ўз билимларимизни, кучимизни шу дйёрнинг равнақи учун сарфлашимиз ларкор. Ўз навбатида Тошкентдан кўп нарсани олишимиз ва ўрганишимиз керак. Фуқарасоний боғланиб, барча тошкентлик дўстларимизни Бухорода

қўлиб ўтадиган 2-универсида мусобақаларига тақдиф қиламан.

Меҳринисо ЗЕБОЕВА, Бухоро тумани «Камолот» ҳаракати Болалар ташкилотининг раиси:

«Тошкентга иккинчи маротаба келишим. Таассуротларим жуда кўп. Тошкент метросида бўлганимда ўзимни чет эл шаҳарларидек ҳис қилдим. Дарҳақиқат, давлатимиз пойтахтини ҳар томонлама Европа давлатлари шаҳарларига тенглаштирсез арзийди. Тошкентнинг Миробод, Тергели ва Бектемир, туманларида бўлганда менда бир фикр уйғонди. Яъни Тошкент туманлари ва Бухоро вилояти туманлари билан ҳаракатимиз орқали яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мумкин. Масалан, Бектемир, Бухоро тумани билан нафақат ёшларга оид алоқаларни, балки кўп соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириши мумкин.

Бу тақдифимни «Камолот» ҳаракатининг Бухоро вилояти кенгаши киритаман. Шунингдек «Бухоро ёшлари» газетаси орқали таассуротларимиз бухоролик дўстларим билан ўртоқлашаман.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

ТАДБИРЛАР

Илгари хаба берганимиздек, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошида ўндан ортик хотин-қизлар уюшмалари ташкил қилиниб, ўз фаолиятини қизини бошлаб юборди. Улар тадбиркор аёл, олимпиада фахри аёллар сингари қатор уюшмалардир. Бу уюшмаларнинг вазифаси мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятимизда тугган ўрни, маънавийтини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек уларни барча соҳаларга кенг жалб қилишдан иборат.

Ана шу уюшмалардан бири «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ишларни олиб борувчи» уюшма бўлиб, унга Ўзбекистон Миллий университетининг «Маънавият-маърифат» ва гуманитар таълим бўйича биринчи проректори Раҳбар Муртазоева раис этиб сайланган. Бугунги кунда бу уюшмалар ўз иш режалари ва Низомларини ишлаб чиқиб, ўз фаолиятларини бошлашди.

«Уюшмамизнинг асосий мақсад ва вазифалари шундан иборатки, — дейди уюшма раиси Р. Муртазоева, — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг асарларида, маърузаларида ҳамда матбуотда эълон қилинган материаллардаги маънавий, маърифий ва маданий соҳаларга тегишли вазифаларни тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида ватанпарвар-лик ҳиссиётини кучайтириш, келажаги буюк мамлакатимизнинг равнақи йўлида олиб бориладиган ишларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган тадбирлар ўтказиш, мустақиллик шарофати билан тикланган миллий қадриятларимизга ҳурмат, буюк ажлодаримиз меросини ва Ватан тарихини қадрлаш, шунингдек, мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизлар ва оиланинг ўрнига бағишланган тадбирлар ўтказишдан иборат.

Ҳақиқатан, бугунги кунда хотин-қизлар ўртасида маънавий, маърифий ва маданий ишларни олиб бориш ва тарғиб қилиш энг муҳим

вазифалардандир.

Яқинда «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ишларни олиб борувчи» уюшма томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Санъат бахшида умр» деб номланган қизинг учрашув кечаси ўтказилди. Кечад сеvimли санъаткорларимиз Ўзбекистон халқ артистлари — Яяра Абдуллаева, Тутти Юсупова, Рикси Иброҳимовлар иштирок этдилар. Учрашувга шаҳаримиз маҳаллаларида, олий ўқув юртлари, коллеж ва мактаблардан фаол хотин-қизлар ташири буюриши. Қизинг учрашув кечасида сеvimли санъаткорлар мана шундай улуғ қонада халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида хизмат қилаётганларидан қаблари фахр-ифтихорга тўлиб сўзландилар.

Кеча сўнггида учрашув қатнашчиларига «Онанг ўргилсин, болам» спектакли намойиш қилинди. Ушбу қизинг учрашув кечасида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фариди Абдурахимов иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

УЛУҒ САЛТАНАТ

Тарихий романдан боблар

(Охири).

Тахт томонда юмушлар билан машғул Муҳаммад Чурога додхох ногаҳон Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзоларнинг ясовуллар кузатилиши майдонга кириб келаётганларини кўрди-ю ўша ёққа ошиқди. Айрим амирлар ундан, Соҳибқирон олий тахтга сазовор бўлмоқдалар-ку, аммо нечун кейинги кунларда руҳсизроқ кўринадилар, деб сўраб қолдилар. Муҳаммад Чурога додхох, Амир Соҳибқироннинг одатлари шундоқ, хурсанд бўлганликларини билдирмадилар, деб жавоб берди ва амирларни тинчландирди. Аммо, бу гапда жон бор: Соҳибқироннинг чиндан ҳам кайфияти синикрок... Сабаби — Жаҳонгир Мирзо! «Биласанми, Мамат, — деди бир кун Темурбек унга, улар ҳумоюн ўрдуда одатлари бўйича ёлғиз сўзлашиб ўлтирар эдилар. — Шу Жаҳонгир ўғлим захмдор бўлиб қолди-да... Бориб кўриб юрагим эзилди. Чакмоқдай йигитнинг ётишини қарагин! Тагин чидамли, жони оғриганини билдиртиради... Сен бориб кўриб келиб тур, мен борсам, ақли йигит-да, азоб чекганимни кўриб ўзиям ичидан эзилди. Соҳибқирон давлат юмушлари билан овора бўлиб қолдилар, дегин...»

Уша-ўша, Муҳаммад Чурога додхох ҳар кун амирзода олдиға боради, бироз ўлтириб, сўзлашади қайтади. Жаҳонгир Мирзонинг ҳам оёғи соғайиб қолди, аммо ҳали босиб юра олмасди. Кеча Шаҳрисабдан Умаршайх Мирзо ҳам етиб келди. Шаҳрисабда ҳоким қилиб қолдирилган Ики Темур Соҳибқиронга мактуб йўллабди, эл тинч, юрт осуда, эмин омонлик экан. Бугун Чорсуға келишни ҳам Муҳаммад Чуроға додхох маслаҳат берди:

«Чорсуни томоша қиласиз, баҳри-динингиз очилди, амирзодам... Амир Соҳибқирон сизни у ерда ёнма-ён кўрсалар, у кийизга мадда бўлади. Худо пошшо, деганлар...»

Хамма Темурбекнинг худди эғизлардай икки ўғлиға ҳавас билан қарар, дунёда ҳозир улардан бахтироқ одам бўлмас керак, деб ўйланди. Майдонга кирaversида Жаҳонгир Мирзодан бошқа барча қишилар отдан тушдилар ва юганларни бу ерда турган сайсиларға тутқаздилар. Отларни алоҳида отхонаға олиб кетдилар. Ахий Жаббор амирзода тулпорини етаклаб келарди. Улар майдон марказига борганларида Муҳаммад Чуроға додхох қаршилади-да, «Кам бўлмангиз, пахлаван!» дея Жаҳонгир Мирзонни мақтаб қўйди ва тахтинг орқасида ўнг томонда турасилар, деб тайинлади. Изма-из ака-уа худовандозлар Абул Маолий ва Али Акбар Термизийлар ҳам етиб келдилар. Атрофдаги тугённи кўрган Абул Маолий Термизий хайратдан ёқа ўшлаб, дамба-дам: «Ё Аҳад!», «Ё кудратингдан!» деб кўяр эди.

«Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари ақинлашиб қолдила-а-р! Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари қадан ранжида қилмоқдала-а-р! — деб қичқирди шу пайт майдонға кириб келган Аббос баҳодир қичқоч.

Амир Муайяд арлот унинг истиқболига ошиқди.

«Хамма нарса шайму, амир жаноблари? — сўради Аббос баҳодир отдан тушаркан, у яҳонждан бўрқиб кетганди. Сайсилардан бири унинг отини ҳам отхонаға етаклади.

«Хамма нарса Соҳибқирон қадамлариға мунтазир, баҳодир! — жавоб берди Амир Муайян арлот.

Шимол ёқдан маҳобатли карнай овозлари ақинлашиб келарди. Майдондаги томошалар ҳам нияҳосига етди шекилли, атроф бўшаб қолди. Хамма таравдуда, Мовароуннаҳр султони кутиб олиш иштиғкида йўлга тикиларди. Тахтинг рўбарўсида турган халойиқ ичида Жоме масжиди имомини билан қў саллалаи одам ҳам уриниб-суриниб юришарди.

Кўча оғзида машшоқлар аробаси пайдо бўлди. Аробадан тушган машшоқлар майдонға кирaversида чап томонда ўлтирган созадларға бориб қўшилдилар. Кейин йўл тараб келган ясовуллар отларини топиришиб, ўзлари кўча оғзидан то тахт жойлашган ҳашаматли сўриғача бўлган оралиқнинг икки томонига ҳар беш қадам-ҳар беш қадамға сочилиб туриб олдилар. Фала-говур кучаа бошладилар.

Нихоят, Темурбекнинг беэақлардан ярақлаган олоий оқ оти кўрди. Созадалар тантанали «Шодиёна» куйини бошлаб юбордилар. Майдон ёқими бир жунбушға келди. Амир Муайяд арлот билан Муҳаммад Чуроға додхох Соҳибқирон оти юганнинг икки томонидан тутдилар ва оҳиста олтин тахт сари етакладилар. Орқадан етиб келган аркони давлат Соҳибқирон изидан тахт сари пийда равона бўлдилар. Жаҳонгир Мирзонни хисобға олмас, майдонда ёлғиз Темурбекига от устиди эди. Бу пайт биров-бировағ гапирмас, гапирса ҳам эшитмас, чунки карнай овозлари, мусика садоларидан қулқоқлар қонганга келгудай эди.

Темурбек имоман салтанат бедови олтин тахт олдида тўхтади. Изма-из келаётган давлат аёёллари орасида барлос, дуғлат, арлот, жалоийр, сулдуз, найман, қичқоч, некўз, қавчин сингари барча қавмларнинг сардорлари, нўёнлар, амирлар бор эди.

Амир Муайяд арлот ишораси билан карнайлар тўхтади, мусика овозлари тинди. Фала-говурлар ҳам пасайди. Пири муршид Мир Саййид Барака аста зинадан сўриға чиқди — уни узоқ-яқин барча аниқ кўра оларди, — халойиққа таважжуҳ айлаб деди: — Эй, машаралмуслимин! Муқаддас Курьони карим нозил этилгон муборак рамазон ойининг ўн иккинчиси, чаоршанбаи муродбаҳ, яъни ўшбу кунга соғ-саломат етиб келдик, алҳамду лилоху раббил оламин! Мана, бошимизға Оллох ўз нуруни ёдмирди турибди, қўнғилларимиз ҳам моҳи рамазон шарофатидан ёрғ ва обод. Кўнғилға тўсиқ йўқ... Оре, рост. Кимки Оллохға таваккал қилса, яратганининг ўзи унга пушур.

1 Фатхнома — зафар хабари битилган расмий мактуб.

ти-паноҳдир, деганлар жаноби пайгамбаримиз. Дини исломни устивор қилишда, мусулмончиликни йўлга қўйишда фидоий жонлардуримиз. Бас, Туркистон салтанати жаҳон султонлари ичиде ўзғир ва мумтоз Абдулмансур Абулмузаффар Соҳибқиронни ақиб Амир Темур ҳазрати олийларига муносиб кўрилай, лойиқ топилмай! Ва биз ахли Байт то охир нафас Соҳибқирон ҳазратлариға садокатда бўлғойимиз, деб онт ичуримиз! — Онт ичуримиз! — қўлашди пири муршидин ака-уа Термизийлар. — Онт ичуримиз! — Мағрур бошимизни Соҳибқирон фармони чизинға кўюримиз! — гулдиради Амир Довуд дуғлат. — Фидокорлик ва итаоткорлик қамарини белимизға қаттиқ боғлаб хизмат қилишға қасам ичуримиз! Аҳди байъат қилуримиз!

— Қасам ичуримиз! — қичқирди Амир Жоку барлос.

— Қасам ичуримиз! — кўшилди Амир Сайфиддин некўз.

— Қасамға қасам! — сас берди Амир Муайяд арлот...

— Қасам! — чинқирди Амир Сорибуға жалойир.

— Қасам! — ортда қолмасликка тиришди Суюргатмишхон.

Аббос баҳодир қичқоч, Амир Кайхусрав, Амир Улжайту, Тамуқа қавчин, Шодравон найман, Шайх Муҳаммад Баён сулдуз, Зиндочам опардийлар ҳам «Соҳибқиронға хизмат этуримиз!» деб сурон солдилар! Изма-из Муҳаммад Чуроға додхох, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Ахий Жабборлар ҳам овозларига зўр бердилар. Мингбоши, юзбоши, ўнбоши, фавжларнинг илгор наварқарлари ҳам арслондай наъра чекардилар. Хар ким шу палла ўзининг Туркистон султониға халойиқ эканлигини холи қудрат нима биландир изҳор этишға, бир четда турмасликка ҳаракат қиларди.

Темурбек олоий оқ отда ўлтирар экан, майдонға қарар, юрт бошиға келишдек иқбол унга фақатгина ўтти тўрт ышға кирганда насиб этганини унлари, бу подшо бўлмоқ учун хийла кеч эканлигини ҳис қилар эди. Искандар Зулқарнаиб бу ёшда алақчагон жаҳонни заёт этиб бўлганди... Аммо, хар ошиққа беш кунлик давр, дейдилар. Хар кимнинг ҳам Оллох буюрган вақти, фуқраси бор, хар бир иш навабати билан ўз айёмида юз берадир...

«Соҳибқирон Абулмансур Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари оқ кизизға солинесу!» — амирларға буюрди пири муршид Мир Саййид Барака...

Атрофдан:

- Оқ кизизға солинесу!
- Оқ кизизға! Оқ кизизға!
- Оқ кизизға солинесу!» — деган даъватлар янгради.

Нўёнлари амирлар энди турк султонларини тахтға ўтказиш, шарафлаш удуминда адо этишға киришдилар. Амир Жоку барлос билан Амир Довуд дуғлат тахт пойида ўроғлик ётган оқ кизини олиб келдилар ва салтанат бедовининг ёниға тўшадилар. Карнайлар тагин ишға тушди, мусика садолари авжа чиқди. Темурбек отдан тўғри гулдор шокилали чиройли оқ кизизға қадам қўйди... Кизизнинг ўнг томонини барлос амирлари тутдилар, чап ёғини дуғлат, арлот баҳодирлари, қолган томонларини некўз, жалоийр, сулдуз, найман, қичқоч, қавчин сардорлари ушладилар. Пири муршид Мир Саййид Барака, ака-уа Термизийлар, Муҳаммад Чуроға додхох, Умаршайх Мирзо, Жаҳонгир Мирзонинг вақили Ахий Жабборлар ҳам мўътабар хонлик кизизининг бирон ериға қўл теккизиб қолш умидида шошилдилар. Барча «Бисмиллоҳир Раҳмонир раҳим!» деди-да, кизини ердан даст кўтардилар. Халойиқ унда ўлтирар Амир Темурға боқиб сурон солди, бунда зўриққан карнайларнинг гатати яна ҳам мадда берди...

— Муборак бўлсун!

— Кутлғу бўлсун!

— Буюрсун! Буюрсун!

— Сурон! — садолари таралди майдон узра.

Нўёнлари амирлар шундай сўзларни такрорлаганча, суронлар остида Туркистон султони Амир Темурни оқ кизизға кўтариб майдон айлиб чиқдилар. Сўнг уни тўғри хашаматли сўриға туширдилар. Амир Темур ҳазратлар ўқудек ёниб турган гилгалар устидан ўз отиде кўра оқоқлигини билдирмаслик учун шошилмай олтин тахт томон юрдилар...

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!» — деди Соҳибқирон ва салобат билан олтин тахтға бориб ўлтирди... Карнайлар тўққиз марта гуржираб садо берди. Аркони давлат, нўёнлар, амирлар баҳодирлар, мингбоши-ўнбошиллар, барча қавмларнинг сардорлари Чигатолий улуси султони Амир Темур ҳазрати олийларига тўққиз марта тиз букиб таъзим қилдилар.

Суронлардан майдон ларзаға келди. Ахий Жаббор Жаҳонгир Мирзоға «Муборак бўлсун! Муборак бўлсун, амирзодам!» дер, Муҳаммад Чуроға додхоҳининг эса кўзларидан ёш оқарди... Барча Амир Темур ўз мақсадига эришди, Мовароуннаҳрнинг яғона ҳукмдори бўлди, деб қувнардилар. Бу эса аслида буюк мақсад сари ташланган биринчи қадам эканлигини ёлғиз Амир Темургина ҳис қилар эди холос...

Алқисса, миллодий бир минг ўч юз етмишнинчи йил тўққизинчи апрелдан эътиборан тарихда салкам беш юз йил ҳукм сурган, бу борада тенг йўқ сулола жаҳон майдонига кириб келди. Бу сулола Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратлари номи билан бошланади.

Шу кун оқшом янги салтанатга ис чикариб юбориш маъносиде Балх халқи учун Чорсу майдониде ифторлик берилди. Ифторликлар мамлакатнинг жами шаҳра қасабаларида ҳам ўтказилди.

Ушбу музаффарият ҳақида турли мамлакатларға элчилар юборилиб, муборак фатхномалар1 етакзилди.

АНЖУМАНЛАР

Тараққиёт йўлини ёритувчи маёқ

Яккасароий тумани ҳокимлиғида миллий истиқлол ғоясини аҳолининг турли қатламлари орасида ўрганиш юзасидан навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

Семинарда турли қорхона ва ташкилот раҳбарлари, ўрта махсус таълим, халқ таълими тизими раҳбарлари, туман маҳалла оқсоқоллари ва маҳалла хотин-қизлар комитетлари раислари иштирок этишди.

Хар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобға олмасе, тараққиёт асослари унинг маънавий қадриятлари ва моддий манфаатлариға мос келмасе, бундай жамият таъназулға учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президентимиз мамлакатимиз истиқболли ҳақида фикр юритар экан, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умминсоний қадриятлариға содиқлиғидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларға янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва хар бир кишини камол топтиришға эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратидир», деган эди.

Миллий ғоя халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди. Тарих синоваларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, сўянч ва таънч бўлади.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган юқоридаги саволларға жавоб олдилар ва ёшлар тарбиясида эътиборға олинмиши лозим бўлган масалалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КЎРGAЗМАЛАР

«Музыка. Пластика. Ранг»

Ўзбекистон Бадиий академияси замонавий санъат маркази кўрғазмалар залида «Музыка. Пластика. Ранг» номли бадиий кўрғазма намойиши нияҳосига етди. Мазкур кўрғазмаға 30 га яқин муаллифларнинг юздан ортик асарлари қўйилган эди.

Хар бирини ҳаётимизда ўзимиз англамаган ҳолда санъат турларининг ўзaro уйғунлигини — қариндошлигини ҳис этишимиз. Санъат ривожининг моҳияти санъат синтезидир — унинг барча турларининг органик уйғунлигини — ҳайкалтарошлик, меъморчилик, музыка, рангтаъсир, шакл ёки ранг ва товушнинг қудратли, ҳамбарчас оҳангдошлиғидадир.

Ушбу кўрғазмада замонашларимизда рангтаъсир асарлари, театр фаолияти ҳамда мусиканинг гармоник ўзаро уйғунлигини ва уларнинг янги асримиздаги янги имкониятларини ранглар орқали кўрсатишға ҳаракат қилинганнинг гувоҳи бўласиз.

Жавлон Умарбеков ўзининг романтик «Мовий оқшом» асари, рангтаъсир усталари Ф.Гамбарова «Рангин туш», Р. Авакяннинг «Созанда» ва Т. Тожиҳўжаевнинг «Раққоса» номли асарлари ҳамда А. Хотамовнинг «Аёл» номли ҳайкалтарошлик асарлари антик пластика анъаналарида ишланган. Рассом М. Кагаров образларини музыка оламида акс эттирган.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

ТАНЛОВЛАР

Менинг маҳаллам

Ҳамза тумани Халқ таълими бўлими, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиғида «Мен ва менинг маҳаллам» кўриктанлови бўлиб ўтди.

Кўрик-мусобақани ўтказишдан мақсад ўқувчиларға гўзал Тошкентимиз, маҳалла ва туманлар тарихини ўргатиш, унга бўлган муҳаббатини кучайтириш, ибратли ойналар билан танишиш, ота-боболаримиз меросларига содиқликларини амалда кўрсатишдир. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини янада ошириш, қобилиятли, билимдон болаларни излаш, улар иқтидорини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларда мустақил ижодий ишлаш малакасини оширишдан иборатдир.

Ушбу тадбир Ҳамза туманидаги Иноғом Юнусов маҳалласида жойлашган 156-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Бу кўрик-танловни ўтказишда маҳалла оқсоқоли Ортик ака Абдуллаев, мактаб директори Арофат Махмутова, Ҳамза туман халқ таълими бўлимида фаолият кўрсатувчи катта ўқитувчи Махбуба Рузалиевалар ташаббус кўрсатдилар.

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсадимиз шундан иборатки, — дейди катта ўқитувчи Махбуба Рузалиева, — эртанимизнинг бир бўлағи эканлигини тушунириш, мактаб, оила ва маҳалла ўртасидаги муносабатларни қарор топтириш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этишда олиб борилаётган ишлар ва тўғараклар фаолиятини кенг ёритишдан иборат. Қувончлими шундаки, бу кўрик-танловда туман ҳокимлиги, Халқ таъ

